



### **Россиянинг ҳайвон ва қўш гўштига қайта ишлаш муассасаларида ҳалол маҳсулот ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари**

Ҳалол маҳсулотларнинг жаҳон бозори охириги бир неча йил давомида мисли қўрилмаган даражада катталашди. Ислондан тўғри ва қўчма маънода узок бўлган Бразилия, Аргентина, Ирландия, Янги Зеландия, Австралия ва Холландиядек мамлакатлар ҳалол гўшт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда илгор давлатга айландилар. Европанинг Германия, Голландия, Австрия, Дания, Франция ва Испания давлатлари эса бу ишни аллақачон йўлга қўйганлар. Бизнинг Россияда эса ҳалол маҳсулотларни ишлаб чиқариш саноати ўтган асрнинг 90-йилларида ривожлана бошлади.

«Ҳалол» сўзи арабчада «руҳсат этилган» маъноси бор. Истеъмом қилиниши жазо берилишига сабаб бўлмайдиган ҳар бир нарса; қилиниши шариат манъ этмаган нарсалар ҳалол саналади. Мўмин-муслмонларнинг нима ҳалолу нима ҳаром эканини билишлари фарздир. Чунки Аллоҳ таоло биз, мўминларга ҳалол, шубҳалардан холи нарсаларни ейишимизни буюрган (Моида, 88). Ҳалол, шубҳалардан холи нарсаларни ейиш (истеъмом қилиш) барча яхшиликларнинг асоси ва фарз амалларнинг улугидир. Ҳалол лўқмани ҳалол касб билан, шариат манъ этмаган йўл билан топиш ҳам фарздир.

### **Асосий тайёргарлик ишлари**

Бирон-бир маҳсулот ишлаб чиқарувчи муассаса таркибида муслмонларга ҳаром қилинган ингредиентлар мавжуд бўлмаган маҳсулотнинг сотилиш имкониятларини ҳисоблаб қўргач, марказий диний идорага ҳалол маҳсулот ишлаб чиқариш сертификатини беришлари учун мурожаат қилади. Ушбу мурожаатнинг натижаси «Ният ҳақида протокол» («Протокол о намерениях») ва муассасанинг мутахассислар томонидан текширилиши бўлади.

Халол стандарт мутахассислари мазкур муассасага ташриф буюриб, у ерда халол махсулот ишлаб чиқариш салоҳияти бор ёки йўқлигини аниқлаш учун ишлаб чиқариш жойларини, жихозларни, норматив ҳужжатларни ва ишчиларни баҳолайдилар. Натижада текширув акти тузилади.

Сўнгра халол махсулот ишлаб чиқаришни бошлаш учун лозим бўлган босқичларнинг режаси тузилади (кутининг макети, белгилар, технологик кўлланмаларга кўшимчалар, ишчиларни тайёрлар ва хоказо). Ундан кейин ҳамкорлик шартномаси имзоланади.

### Норматив ва ҳуқуқий ҳужжатлар

Халол махсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда биз қўйидаги ҳужжатларга таянамиз:

- Россияда 2002-йилдан эътиборан кучга кирган Алиментарис Кодексининг халқаро стандарти: а) стандарт САС/ГЛ 1-1979 “Махсулотни маркировка қилиш борасида амалий кўрсатмалар” банд 5.1.-4 “Озик-овқат махсулотининг бирон-бир диний талаб ва амалларга биноан тайёрлангани хақида (масалан, “Ислоҳ конунларига мувофиқ”) фақат ўша диннинг мулозимлари ва идоралари томонидан қўйилган талаб ва амалларга риоя қилинган ҳолдагина эътироф қилиш мумкин”; ва б) стандарт САС/ГЛ 24-1997 “Араб тилидаги “халол” (руҳсат этилган) термини қўлланиш борасида амалий кўрсатмалар” банд 1.2 “... араб тилининг “халол” термини ва унинг эквивалентларини (халал, ҳалал, ҳолол) қўлланилади ... ва ушбу терминнинг савдо белгилари, ташкилот номларида ишлатилишини ўзи ичига олади”;
- Ирландиянинг пойтахти Дублин шаҳрида жойлашган Европа мусулмон уламоларининг шўроси қабул қилган фатволар;
- Россия муфтийлари шўросининг бошлиғи, Россиянинг Европа қисми бўйича диний идоранинг бошлиғи ва муфтий шайх Равил Гайнуддиннинг фатволари;

Россия муфтийлар кенгаши 2003-йили “Мусулмонлар истеъмол қилишлари учун халол бўлган махсулотнинг ишлаб чиқарилиши ва савдо қилинишини назорат қилиш ва унинг ишлаб чиқарилиши ва савдо қилинишини тартибга солиш хақидаги фармон”ида (2-нашр) стандарт қабул қилган ва у 2004-йил 29-декабрда кучга кирган эди.

Ушбу фармоннинг биринчи наشري 2003-йил кучга кирган бўлиб, 2003-2004-йиллар давомида гўшт махсулотларини қайта ишлаш муассасаларида қўлланган (“Микоянов гўшт комбинати” ёпик ҳиссадорлик жамияти, “ТОПОЛИС” ассоциациясининг қушхоналари ва қолбаса заводи, «Ҳалаяль-АШ» МЧЖ, “Сафа” МЧЖ ва “Элинар-Бройлер” қуш фабрикаси).

**Хужжат куйидагиларга асосланган:**

- охирги илохий китоб Куръоннинг талаблари,
- Мухаммад Пайгамбардан сахих хадисларга келтирилган талаблар,
- Дублин шахрида жойлашган Европа мусулмон уламоларининг шўроси қабул қилган фармонлар,
- Россия муфтийлари кенгашининг бошлиги, Россиянинг Европа қисми бўйича диний идоранинг бошлиги ва муфтий шайх Равил Гайнуддиннинг фатволари,
- «Кодекс Алиментариус» халқаро стандартининг талаблари ва тавсиялари,
- Россия давлат стандартларининг талаблари, ҳамда
- Россия қонунларининг талаблари.

Кўришиб турибдики, биз Ислом шариатининг ва Россия давлат қонунчилигининг талабларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилдик. Ушбу масалада ҳал қилиб бўлмайдиган номуносибликлар мавжуд эмаслигини уч йиллик тажрибамиз кўрсатиб турибди. Биз ислом ҳуқуқи ҳақиқийликка, ҳоссатан ҳақиқий ҳалолликка қўйган талабига, яъни Аллоҳ ва мусулмонлар олдида жавобгарликни ҳис қилган бир мусулмоннинг махсулот ҳалол эканлигига тасдиғига жавоб беришга интилдик. Бу ўринда Яратганининг “ёлгондан гувоҳлик берманг” деган қонунини эслаб ўтиш жоиз. Бундай мусулмонни одатда маҳаллий диний ташкилот тавсия қилади ва қиска муддатли тайёргарликдан сўнг у маҳаллий диний ташкилот бошлигининг тасдиқномасини олади. Шундан сўнг мазкур одам махсулотнинг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этиши ва унинг ҳалоллига гувоҳлик бериши мумкин бўлади.

**Мазкур ҳужжат куйидаги талабларни ўз ичига олган:**

- ишлаб чиқаришни тартибга солиш,
- хом-ашёлар (қўшимчалар, ингридиентлар, қолиплар ва хоказо),
- ҳайвонни сўйиш,
- ишчилар,
- ишлаб чиқариш хоналари,
- жихоз ва ускуналар,
- белги ва кутилар,
- ишлаб чиқаришнинг шариат (илохий қонунлар) талабларига мувофиқлиги,
- ҳақиқий ҳалолликка далолат қилувчи омиллар,
- савдо муассасалари.

Ушбу ҳужжат шунингдек мутахассис, яъни диний ташкилот вакилининг мажбуриятлари ва савдо муассасаларига берилган тавсияларни ҳам ўз ичига олади. Биз бу ҳужжатни муфтийлар кенгашининг стандарти, деб атаймиз; холбуки, унинг хақиқий стандарт эмаслигини тушунамиз. Шунингдек куйида келтирилган янги жабхалар очилгани боис, биз ҳозирда мазкур ҳужжатнинг янги ва тўлдирилган нашрини тайёрламоқдамиз:

- озик-овкат кўшимчалари ва турли ингредиентлар,
- чой маҳсулотлари,
- тез тайёрланувчи таомлар,
- атир-уп ва косметика маҳсулотлари,
- дори-дармон, ҳамда
- туризм ва хордик.

### **Жихоз-ускуналар хусусияти**

Халол маҳсулотлар фақат мусулмонлар учун ишлаб чиқарилмайди. Бундай маҳсулот асосий маън қилинган ингредиентларни ўз ичига олмаган маҳсулотдир. Биринчи навбатда чўчка гўшти, кон ва ўлик хайвон гўшти. Бу тушунчаларнинг ҳаммаси Алиментариус Кодексининг стандартида ва бизнинг стандартида батафсил тушунтирилган.

Шу билан бир каторда зираволар ва рецептга қўшилган бошқа қўшимчаларнинг таркибини ўрганиш ҳам жуда муҳимдир. Шундан келиб чиқиб, технологларга анъанавий қўшимчаларни (чўчка ёғи, келиб чиқиши ноаниқ гўшт ва кон) халол маҳсулотлар билан алмаштириш вазифаси юклатилади. Одатда буларнинг ўрнига ёғдан олинган геллар, мол гўшtidан олинган эмулсиялар, қаймоқдан олинган ёғлар, қуш гўшtidан қиймалар ва сутун ишлатилади. Технологлар бу нарсларни биздан яхшироқ билишларига шубҳам йўқ. Ялпи маҳсулотнинг оз миқдорини халол маҳсулот ташкил етган баъзи муассасаларда алоҳида вазиятлар юзага келади. Масалан, жихозларга санитар ишлов бериш талаби қўлланмада кўрсатилганига қарамадан, баъзи нопок ишчилар амалда бу талабни фақатгина қисман бажарадилар. Шунинг учун “тайёрлик” терминининг асносида хом-ашё ва тайёр маҳсулот билан алоқага қирадиган жихозлар, ускуналар, ёрдамчи мосламалар ва нақлиёт воситалари тамомила тоза ва пок, деган тушунча ётади. Айни талаб маҳсул қийим ва бошқа ускуналарга ҳам тегишлидир. Кейин эса қўшимча ва хом-ашёнинг олиш йўллари тўғри эканлигида ишонч ҳосил қилиш лозим.

Одатда халол маҳсулот биринчи сменада ишлаб чиқарилади, чунки шунда асосий маҳсулот кейинроқ айни шу жихозларда ишлаб чиқариш мумкин.

Шунингдек, халол хом-ашё халол бўлмаган хом-ашё билан аралашиб кетмаслиги учун уларни маҳсул омборларда сақланишини жорий қилиш муҳимдир. Бунинг устига, халол маҳсулотни ишлаб чиқаришга жалб этилган ишчилар халол маҳсулот ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари ва унинг нақадар аҳамиятли эканлиги ҳақида билими бўлиши лозимдир.

## Муаммолар

Халол махсулот ишлаб чиқариш ва савдосида дуч келинадиган муаммоларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин:

### 1. Ташкилий

- маҳаллий мусулмонлар диний идораларнинг ҳаммаси ҳам бу масалада маслаҳат бериш ва халол стандартларга мувофиқ ишлаб чиқариш устида амалий назорат юритиш салоҳиятига эга емаслар (тайёр мутахассислар ва молия йўк);
- ишлаб чиқарувчи муассасалар жойлашган ерларда халол стандарти бўйича мутахассислик кила оладиган вакилларини жўнатувчи маҳаллий диний ташкилотлар йўк;
- муассасалар кутиларда Исломиё рамзларни (масжидлар, хилоллар, ёки диний байрам ва шунга ўхшаган бошка истелохларни) туширишга интиладилар.

### 2. Хукукий

- бу масала борасида аниқ давлат сиёсатининг йўклиги ва шундан келиб чиққан халол махсулот ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳолатга эътиборнинг йўклиги;
- олиб қирилган (импорт) халол махсулотлар билан рақобатдошликнинг амалда имкониятсизлиги (Янги Зеландия, Аргентина ва Австралиядан келтирилган халол гўшт махсулотлари, ҳамда Бразилии, Франция ва Венгриядан келтирилган халол қуш махсулотлари);
- мамлакат ҳудудида халол махсулот савдо-сотиғи борасида давлат норматив ҳужжатларининг йўклиги (Шимолий Кавказда ва Ростов вилоятининг кўплаган жойларида шубҳали бўлган, бироқ халол тамғаси остида махсулот ишлаб чиқарувчи цех ва заводларни, “Черкизов” ва “Царицино” гўшт комбинатлари, Раменскдаги “РАМФУД” ва “Дмитровско-Лианозовск” ташкилотлари, “Верхневолжск қуш фабрикаси” ва бир қатор Татарстон ва Бошқуртистон муассасалари томонидан керакли тасдиқномалар бўлмагани ҳолда халол махсулот ишлаб чиқариш уринишларини бунинг натижаси ўларок кўрсатиш мумкин);
- 3. Мавжуд бўлган мусулмон ишлаб чиқарувчилар ва савдогарларнинг Россия муфтийлар кенгаши қиритган янгиликларга ва янги рақобатчиларга қаршиликлари;
- 4. Бир қатор православ черков роҳибларининг халол фақат мусулмонларга мўлжалланган диний маросимларга оид, мистик таом, деган жохил тушунчадан келиб чиқиб қаршилиқ кўрсатишлари. Халол истелоҳии омматан одамларга ва хусусан мусулмонларга руҳсат этилган таом маъносини англади; Хулоса. Технологик жихатдан олиб қаралса, анъанавий махсулот ишлаб чиқаришга нисбатан ҳеч қандай муаммо йўк. Халол махсулот – бу янги махсулот ва ҳар қандай янги махсулотни ишлаб чиқаришда янгича ёндашилгандай, халол махсулот ҳам ўзича янги тайёрлаш усулини (рецепт) талаб қилади. Мавжуд бўлган халол хом-ашё ва халол кўшимчалардан мазали ва фойдали таомлар тайёрлаш ҳам мумкин, ҳам лозим.

Азизбоев Ж. Х.

Россия муфтийлар кенгашининг халол махсулот ишлаб чиқариш ва савдоси бўйича нозири

